

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АН АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ**

**ТАНГ ҲОЛАТЛАРДАГИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА  
ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.01-Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2020**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)**

**Ан Андрей Владимирович**

Танг ҳолатлардаги ҳомиладор аёлларга тиббий  
ёрддам сифатини ошириш..... 3

**Ан Андрей Владимирович**

Повышение качества оказания медицинской помощи  
беременным с критическими состояниями ..... 26

**An Andrey Vladimirovich**

Improvement of quality of providing medical care to  
pregnant women with critical conditions ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АН АНДРЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ**

**ТАНГ ҲОЛАТЛАРДАГИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА  
ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИНИ ОШИРИШ**

**14.00.33-Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.01-Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib402 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:** **Асадов Дамин Абдурахимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Пахомова Жанна Евгеньевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Искандарова Шахноза Тулкиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Ли Дон Ук**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Юсупов Усман Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **«А.И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббиёт-стоматология университети» федерал давлат бюджет ташкилоти (Москва)**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**А.В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э.А. Шамансулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги йилларда дунё мамлакатларида ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг оғир асоратлари туфайли бир ўлимдан қолган аёлларда критик акушерлик ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай ҳолатларда беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Аёллар ўлимининг 50-98% ини ҳомиладорликдаги қон кетиш, инфекция, презекламписия ва улар билан боғлиқ асоратлар, 63-80% ини туғруқ ва туғруқдан кейинги даврдаги ҳолатлар ташкил қилмоқда». Ҳомиладорликда келиб чиқадиган критик ҳолатлар гўдақлар ўлимига ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳомиладор аёллар критик ҳолатларида аёллар ўлимининг юқорилиги ўз навбатида, унинг хавфини олдини олиш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорликдаги критик ҳолатлар, жумладан туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг оғир асоратларнинг ривожланиш хавфи, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада акушерлик ёрдами хизматини оптималлаштириш, оналар ўлими ва перинатал ўлимни қисқартириш, оналар ўлимида ижтимоий-гигиеник ва тиббий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш, акушерлик қон кетишларига боғлиқ критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш, ҳомиладор ва туққан аёлларда юзага келадиган асоратларни эрта ва аниқ ташхис усуллари ва даволаш йўллари ишлаб чиқиш, ҳомиладорликни юритишнинг клиник ва ташкилий ёндошувларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, айниқса оналик ва болалиқ муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада жумладан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда критик ҳолатлар ривожланиш хавфини олдини олиш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Танг ҳолатлардаги ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим таълим муассасаларида, жумладан: University of Colorado Denver; University of Florida (АҚШ), University of Oxford (Англия), University of Rome Sapienza (Италия), Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany (Германия), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), Jiao Tong University, Shandong University (Хитой), Tzu-Chi University, National Yang-Ming University, National Chiao-Tung University, Fong-Yuan Hospital (Тайван), Comenius University (Словакия), University of Oulu, Tampere University (Финландия), University Montreal, University of Calgary (Канада), Санкт-Петербург Отта номидаги илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш, оналар саломатлигини яхшилаш, критик ҳолатлар (near miss) ва оналар ўлимини қисқартиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ҳомиладорлар критик ҳолатларида оналар ўлимини камайтириш мақсадида тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига янги ёндошувлар ишлаб чиқилган (Odense University, Дания); реанимациядан сўнг тирик қолган аёллар саломатлиги касалхонадан чиққанидан кейин уларнинг ҳар бешинчисида ҳаёт сифатининг пасайиши аниқланган (University of Rome Sapienza, Италия); гистерэктомия билан боғлиқ туғруқдан кейинги қон кетишлар эпидемиологияси ва оқибатлари турли миллат аёлларида аниқланган (Universidade Nova de Lisboa, Португалия); туғруқдан кейинги даврда юзага келадиган кўп қон кетишни

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

юретиш бўйича протоколлар ишлаб чиқилган (University of Oulu, Финляндия; National Institute of Endocrinology, Куба; Institute for Quality and Efficiency in Health Care Germany, Германия); акушерлик ва гинекологияда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оптималлаштиришнинг клиник ва ташкилий жиҳатлари бўйича стандартлар ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург Отта номидаги илмий тадқиқот институти, Россия Федерацияси).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш, оналар саломатлигини яхшилаш, критик ҳолатларда оналар ўлимини қисқартириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: томирлар тонуси ва микроциркуляция ўзгаришининг гестация бузилишига боғлиқлигини аниқлаш; ҳомиладор ва туққан аёлларда эрта ва аниқ ташхис усуллари, даволаш ва профилактика йўллари ишлаб чиқиш; эритроцитлар метаболизми ва бачадон-плацентар қон айланиш ҳолати боғлиқлигини аниқлаш; перинатал касалланиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш; оналар ўлимида ижтимоий-гигиеник ва тиббий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш, акушерлик қон кетишларига боғлиқ критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини комплекс баҳолаш, ҳомиладорларни юретишнинг клиник ва ташкилий ёндошувларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирлар бўйича самарали дастурларни яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтган асрнинг охиридан бошлаб, аксарият мамлакатларда тиббий ёрдам, хусусан акушерлик ёрдами сифатини яхшилаш соғлиқни сақлаш тизимининг кун тартибидаги асосий масалага айланган. Замонавий хорижий адабиётларда акушерлик қон кетиши, преэклампсия, эклампсия, сепсис, ЭГК ва аборт оқибатлари туфайли юзага келадиган критик акушерлик ҳолатлари ҳақида ахборотлар мавжуд (Кукарская И.Н. 2012; Лебеденко Е.Ю., Михельсон А.Ф., Розенберг И.М. 2015; Eimer G, O'Milley, Popivanov P., Souza I.P., Cecatti I.G., Faundes A. 2010). Оўни олдини олиш учун мазкур ҳолатларни аниқлаш зарурати асосланган, мезонларни ҳисобга олган ҳолда near miss га баҳо берилган (Souza I.P., Cecatti I.G., Faundes A. 2010; Souza I.P., Cecatti I.G., Faundes A. 2012). Критик ҳолатлар, массив акушерлик қон кетишларини аниқлаш ва ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий ёрдамни мақбуллаштиришга ёндошиш, мазкур оғир ҳолатлар ва уларнинг оқибатларини бошқариш масалалари бўйича эпидемиологик ва клиник тадқиқотлар ўтказилмоқда (Grear K.E., Bushnell C.D. 2013). Near miss ҳолати мезонларини тўғри аниқлаш, миқдорий баҳолаш, уларнинг турли минтақаларда тарқалишини янги тавсифлари ва юзага келиш сабабларини аниқлашга уринишлар бўлмоқда (Shreastha I., Shrestha Pr., Tuladher R., 2015; Shreastha I., Shrestha Pr., Tuladher R. 2012, Shreastha I., Shrestha Pr., Tuladher R. 2016).

Ўзбекистонда кейинги ўн йиллар давомида Оў муаммоси кўпчилик тадқиқотчилар ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиларини қизиқтириб келмоқда Оўнинг клиник жиҳатлари Асатова М.Ю., 2013; Пахомова Ж.Е., 2010,

Нажмутдинова Д.К., 2017; Аюпова Ф.М., 2013; Каримова Д.Ф., 2009; 2012 ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. Акушерлик қон кетишларини даволаш (аъзо сақловчи, қон сақловчи ва бошқа)га янгича ёндошувлар ўрганилмоқда (Акпербекова И.С. 2016; Султанов С.Н.2011; Пахомова Ж.Е. 2016). Преэклампсиянинг оғир шакли мавжуд ҳомиладорларда гемостаз кўрсаткичлари ва уларнинг башоратлашни аҳамияти (Аюпова Ф.М., 2013; Султанов С.Н.,2015; Каримов А.Х., 2016; Асранкулова Д.Б., Ахмедова Н.М., 2014; Бекбаулиева Г.Н., 2015), ОЎни олдини олиш мақсадида ЭГК мавжуд ҳомиладорларда туғруқларни юритишга ёндошувларни излаш давом этмоқда (Асатова М.Ю. 2013; Султанов С, Н, Бабанов Б.Х. 2012; Ниязметов Р.Э. 2016). Анестезиологик тактика ва операцион-анестезиологик хавфни камайтириш йўллари қайта кўриб чиқилмоқда (Сименихин А.А., Юсупбаев Р.Б.2013; Сименихин А.А., Ким Е.Д. 2016).

Бироқ, мазкур тадқиқотларда патологик жараённинг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда критик ҳолатлар тузилмаси етарлича аниқланмаган, мазкур ҳолатларни юзага келиши ва ривожланишида ташкилий, тиббий-ижтимоий ва клиник омилларнинг роли комплекс таҳлил қилинмаган. Критик ҳолатлар мавжуд ҳомиладор аёлларда ўтказилган даво чоралари сифати ҳомиладорликни натижасига мос равишда баҳоланмаган ва муаммонинг долзарблигига қарамай, юқорида қайд этилган барча муаммолар комплекс аниқланмаган. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, критик ҳолатларда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш илмий ва амалий жиҳатидан долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакаси ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02090010 «Инфекцион, гигиеник, техноген ва экологик омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсири» (2010-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** танг ҳолатлардаги ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш ва унинг ташкилий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оналар ўлими динамикаси ва тузилмаси ҳамда унинг юзага келиши ва ривожланишида ташкилий, ижтимоий-гигиеник ва тиббий омилларнинг аҳамиятини аниқлаш;

акusherлик қон кетишларида критик ҳолатлар ва оналар ўлимининг қиёсий клиник-статистик таҳлиллаш;

критик ҳолатли ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик натижаларига мос равишда ўтказилган клиник тадбирлар сифатини баҳолаш;

акusherлик амалиётида замонавий технологияларни жорий этиш самарадорлигини баҳолаш;

акusherлик қон кетишларига боғлиқ критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини комплекс равишда яхлит баҳолаш;



акушерлик амалиётида оналар ўлимини пасайтиришга йўналтирилган критик ҳолатлари мавжуд ҳомиладорларни юритишнинг клиник ва ташкилий ёндошувларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2002-2016 йилларда Тошкент шаҳрида қайд этилган оналар ўлими ҳолатларининг ретроспектив таҳлили ҳамда Тошкент шаҳар перинатал маркази, 5-, 6- ва 7-сон шаҳар туғруқ комплекслари назоратида бўлган 112 нафар критик ҳолатли ҳомиладор ва туққан аёллар билан 142 нафар критик ҳолати бўлмаган акушерлик қон кетган аёллар ҳолатларининг проспектив таҳлили олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматидаги ташкилий-функционал ўзгаришлар, оналар ўлими кўрсаткичлари тавсифи, критик ҳолатлар ривожланишининг хавф омиллари, критик ҳолатли ҳомиладорлик ва туғруқларни юритишдаги камчиликлар ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини назорат қилиш усуллари, шунингдек клиник аудит олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ижтимоий-гигиеник, умумклиник, инструментал, вирусологик, гистологик, эксперт баҳолаш, аудит ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор критик ҳолатлар ва оналар ўлимини пасайтиришга қаратилган самарадор табақалаштирилган сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

илк бор ҳомиладорлар қон кетишида критик ҳолатлар ривожланишини эрта аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатлар хавф омилларини индивидуал прогнозлаш жадвали ишлаб чиқилган;

илк бор „near miss“ ва оналар ўлими ривожланиши хавф омиллари ўхшашлиги ҳамда оналар ўлимини камайтириш учун акушерлик критик ҳолатларини аниқлаш афзаллиги исботланган;

илк бор асоратли туғруқлар билан кечадиган ҳомиладорликни стандартлашган ёндошувлар ва индивидуал прогнозлаш асосида комплекс олиб боришнинг иқтисодий самарадорлиги исботланган;

акушерлик муассасалари аудитида юқори даражада сезгирлик ва ўзига хослик билан оналар ўлимининг ҳар бир ҳолатини тўлиқ баҳолаш имконини берувчи ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини баҳолашнинг махсус индикаторлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор акушерлик амалиётида бир хилдаги клиник вазиятларда критик ҳолатлар ва ўлим оқибатларининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш зарурати илмий асосланган;

акушерлик муассасалари амалиётида тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш учун акушерлик аудит ўтказиш зарурати исботланган;

критик ҳолатларда аудит дастурларини тузишда сезгирлик ва ўзига хослик бўйича олдиндан синов ўтказиш билан тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни сифатини баҳолаш имконини берувчи акушерлик ёрдамнинг махсус индикаторларини киритиш зарурати исботланган.

эксперт баҳолаш асосида критик ҳолатлар ва оналар ўлимига олиб келувчи турли омилларнинг ўхшашлиги ва қиёсланиши оналар ўлимини пасайтиришга имконият яратиши аниқланган;

хомиладор ва туғруқдаги аёлларни юритишнинг ишлаб чиқилган стандартлашган ёндошувлари ва экстремал ҳолатларда даволаш тактикаси илмий асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти танг ҳолатлардаги хомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш „near miss” ва оналар ўлими ривожланиши хавф омиллари ўхшашлиги ҳамда оналар ўлимини камайтириш учун акушерлик критик ҳолатларини аниқлаш, кўп қиррали таҳлил асосида акушерлик амалиётига замонавий технологиялар ва аудитни жорий этиш критик ҳолатлар ва оналар ўлимини пасайтиришга қаратилган клиник ва ташкилий чоралар комплекси самарадорлиги, қон кетишларда критик ҳолатлар ривожланишининг хавф омилларини комплекс равишда яхлит баҳоланган ва мазкур ҳолат ривожланишининг индивидуал прогнозлаш учун башоратлаш хомиладор аёллар танг ҳолатлар патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танг ҳолатлардаги хомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини оширишда акушерлик амалиётида бир хилдаги клиник вазиятларда критик ҳолатлар ва ўлим оқибатларининг қиёсий таҳлилининг ўтказиш, тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш учун акушерлик аудит ўтказиш, хомиладор ва туғруқдаги аёлларни юритишнинг ишлаб чиқилган стандартлашган ёндошувлар ва экстремал ҳолатлардаги даволаш тактикаси ва уларнинг тадбиқ этилганлиги касалликнинг ривожланишини олдини олиш, даволаш самарасини ошириш ҳамда аёлларни хомиладорлик даврида эрта соғломлаштириш, оналар ўлимини пасайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Танг ҳолатлардаги хомиладор аёлларга тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Акушерлик қон кетишларида критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини башоратлаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги 8н-д/199-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома хомиладорларда танг ҳолатлар ривожланиш хавфи ва оғирлик даражасини эрта аниқлаш, касаллик

кечишини башорат қилиш ва ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

хомиладор аёлларга танг ҳолатлар ривожланиш хавфи, оғирлик даражасини аниқлаш ва тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Тошкент шаҳар перинатал маркази ва 6-сон туғруқ комплекси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 3 мартдаги 8н-з/25-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар хомиладорлик даврида танг ҳолатлар ривожланиш хавфини олдини олиш, касаллик асоратларини камайтириш ҳисобига оналар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 19 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6-та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Акушерлик амалиётида оналар ўлими ва критик ҳолатларнинг тарқалганлиги ва уларга тиббий ёрдам сифатининг таъсири**» деб номланган биринчи бобида дунёнинг турли минтақаларида оналар ўлими ва критик ҳолатлар эпидемиологияси шарҳи тақдим этилган, сифатни баҳолашнинг турли хил воситаларига асосланган ҳолда акушерликдаги критик ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатишга замонавий ёндошувлар ёритилган, Ўзбекистонда репродуктив саломатлик динамикаси келтирилган.

Диссертациянинг «**Текширилган хомиладорлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўйилган

вазифалар, материаллар тўплаш усуллари, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот объекти ва материаллари тавсифи келтирилган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун шаҳар перинатал маркази ва Тошкент шаҳридаги 5,6,7-сонли туғруқ мажмуаларида кўп қиррали комплекс, ижтимоий-гигиеник, клиник, тиббий-статистик ва таҳлилий, ретроспектив ва проспектив тадқиқотлар ўтказилди. Ҳар бир тадқиқот вазифаси учун кузатиш объекти ва ҳажми, ҳал қилиш усуллари, ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги оналар ўлими динамикаси ва тузилмасини ўрганиш учун 2002-2008 ва 2009-2016 йилларда (209 ҳолат) «Саломатлик ва тиббий статистика институти»нинг Тошкент шаҳри филиали ва Ўзбекистон Республикаси инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ҳудудий бўлинмасининг статистик тўпламлари ҳамда даволаш профилактика муассасалари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар, ҳомиладор ва туққан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш, контрацепция, абортлар ҳақидаги ҳисоботлар (Тошкент ш. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси)дан маълумотлар кўчирилди.

Ўртача икки вақт оралиғида ОЎ кўрсаткичлари, уларнинг ўртача хатоси ва иккита вақт оралиғидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончлилик мезонлари ҳисоблаб чиқилди, туғилиш даражаси ва оналар ўлими орасидаги алоқани аниқлаш учун - корреляция коэффиценти, ўрганилган даврларда ОЎдаги тебраншларда қандайдир бир аҳамиятга эга тенденцияни аниқлаш учун - «интеграция» нопараметрик мезонлари ҳисобланди, энг кичик квадратлар усулида динамик қаторларни текислаш ва текисланган маълумотлар экстраполяцияси амалга оширилди.

Патологик жараённинг клиник хусусиятлари ва ОЎнинг ривожланишида ташкилий, ижтимоий-гигиеник ва тиббий омилларнинг ролини ўрганиш учун 2002-2008 йилларда Тошкент шаҳридаги оналар ўлимининг барча ҳолатлари 127 та туғруқ карталари, реанимацияда бемор ҳолатининг асосий кўрсаткичлари варақаси, наркоз карталари, мурдани патологоанатомик ёриш актлари, ҳомиладор ва туққан аёлларнинг шахсий карталари, ҳомиладор аёлларнинг уй карталари, амбулатор карталар, экспертлар рецензияси ва бошқа ҳисобга олиш ҳужжатларидан олинган маълумотлар махсус ишлаб чиқилган саволномага кўчирилди.

Акушерлик қон кетиши бўйича критик ҳолатлар ва ОЎни қиёсий клиник-статистик таҳлилини ўтказиш, шунингдек ҳомиладорлик натижасига мос равишда (вафот этган ва зўрға тирик қолган) критик ҳолат ривожланган ҳомиладор аёлларда амалга оширилган клиник тадбирлар сифатини баҳолаш учун массив акушерлик қон кетишлари билан критик ҳолатда бўлган 112 нафар ва ўлим ҳолати юзага келган 29 нафар аёлнинг клиник ва ижтимоий-гигиеник тавсифи ўрганилди. Худди оналар ўлими ҳолатларида бўлгани каби критик ҳолат ривожланган аёлларда ҳам патолого-анатомик ёришдан ташқари юқорида қайд этилган ҳисобда турувчи тиббий ҳужжатлардан

олинган барча маълумотлар таҳлил қилинди. Бунда мазкур аёлларнинг тиббий-биологик ва ижтимоий, шунингдек уларда патологик жараённинг кечишини клиник ўзига хос хусусиятлари, кўрсатилган тиббий ёрдам тавсифи ва ҳажми (I бўғин ва стационарда) ҳақидаги маълумотлар олинди. Натижада клиник-эксперт таҳлил асосида «вафот этган» ва «бир ўлимдан қолган» аёлларнинг турли гуруҳларида ўрганилган хусусиятларни таққослашга муваффақ бўлинди. Кейинчалик кўрсатилган аёллар гуруҳларида барча ўрганилган кўрсаткичлар бўйича қиёсий тиббий-статистик таҳлил ўтказилди. Бу айрим хавф омиллари, жумладан, ҳомиладорлик ва туғруқни юритиш бўйича клиник ва тиббий-ташқилий ҳамда массив акушерлик қон кетиши мавжуд аёлларда туғруқ натижасига таъсир қилувчи ижтимоий-гигиеник омилларнинг аҳамияти даражасини аниқлаш имконини берди.

Шу мақсадда ҳар бир белгининг ҳар бир градацияси бўйича ҳақиқатга яқинлик нисбати коэффициенти, нисбий хавф ва ҳар бир белги бўйича вазн индекси ҳисоблаб чиқилди.

Ҳомиладор ва туғруқдаги аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини баҳолаш мақсадида аудит ўтказиш бўйича иккита дастур ишлаб чиқилди, мазкур дастурлар асосида Тошкент шаҳридаги барча 13 та туғруқ комплексларида туғруқдан кейинги даврда қон кетиши протоколи (стандарт)ни бажарилиши юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ўтказилди.

Критик ҳолатларда тиббий ёрдам кўрсатиш сифати бўйича аудит ўтказиш учун қўшимча равишда стационар акушерлик ёрдамнинг 4 та махсус индикатори “Туғри ва ўз вақтида ташҳис қўйиш”, “Кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифати ва адекват ҳажми” ишлаб чиқилди, ҳисоблаб чиқилди ва таҳлил қилинди. Махсус формулалар бўйича уларнинг юқори сезгирлиги ва ўзига хослиги аниқланди.

Акушерлик қон кетишларида критик ҳолатларни ривожланиш хавфини башорат қилиш учун шу туғруқ комплексларидаги акушерлик қон кетиши билан 283 нафар, критик ҳолатлар билан 141 нафар ва ижобий натижа билан 142 нафар аёлларда туғруқнинг кечиши ва туғруқ натижаларининг таҳлили ўтказилди.


Туғруқлар тарихи, ҳомиладор ва туққан аёлларнинг шахсий карталари, амбулатор карта ва бошқалар кўп томонлама эксперт таҳлилдан ўтказилди. Бунда акушер-гинекологларнинг ўз фаолиятида замонавий перинатал технологиялардан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганилган аёллар гуруҳларида барча анамнез, клиник, лаборатория маълумотлари статистик таҳлил қилинди. Олинган рақамлали натижалар вариацион статистика усулида қайта ишланди. Нисбий ва ўртача қийматлар, уларнинг хатолари, таққосланадиган гуруҳлар орасидаги Стьюдент ишончлилиқ коэффициенти, корреляция коэффицентлари, интеграция мезонлари, нисбий хавф коэффицентлари, вазн коэффицентлари ва ҳар бир хавф омили учун башорат коэффицентлари ҳисобланди. Уларнинг асосида

хомиладор ва туғруқдаги аёлларда критик ҳолатларнинг ривожланиш хавфини индивидуал баҳолаш имконини берувчи башорат жадвали ишлаб чиқилди. 3 та хавф гуруҳи учун диапазонлар чегараси белгиланди. Иккита ўрганилган гуруҳ (массив қон кетиши натижасида вафот этган ва тирик қолган)да кўрсатилган ёрдамнинг ўз вақтидалиги, сифати ва инфузион-трансфузион терапия (ИТТ) ҳажмидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолаш мақсадида миқдорий белгиларнинг боғланган мажмуини таққослаш учун қўлланиладиган нопараметрик усул – Вилкоксон мезонидан фойдаланилди. Ҳисоб-китоблар статистик қайта ишлаш учун «SAS 6,0» амалий дастурлар пакетидан фойдаланган ҳолда компьютерда амалга оширилди.

Диссертациянинг «Қон кетишларида оналар ўлими ва критик ҳолатлар» деб номланган учинчи боби тўртта бўлимдан иборат бўлиб, унда Тошкент шаҳридаги оналар ўлими динамикасини ўрганиш натижалари, акушерлик қон кетиши туфайли оналар ўлими ва массив акушерлик қон кетишларида ривожланадиган критик ҳолатларнинг клиник-статистик таҳлили, шунингдек массив қон кетишлари натижасида вафот этган ва тирик қолганлар гуруҳларидаги хавф омилларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Тадқиқотлар ОЎ даражаси 1991 йилда Тошкент шаҳрида республика кўрсаткичлари (100 минг тирик туғилганларга нисбатан 65,3) га қараганда 2 марта кўп (128%оооо) эканлигини кўрсатди. 2016 йилга келиб, мазкур кўрсаткич республика бўйича - 4 марта, Тошкент шаҳри бўйича – 7 марта камайди ва мос равишда 16,6%оооо ва 18,2%оооо ни ташкил этди (1- расм.).



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида 1991-2016 йиллар давомидаги оналар ўлими динамикаси**

ОЎнинг энг кучли пасайиши дастлабки 7-8 йил ичида туғилишнинг аёлларни ёши бўйича мақбуллаштирилиши ва туғруқлараро интервалнинг

ошиши, шунингдек акушерлик хизмати тузилмасининг қайта кўриб чиқилиши билан параллел равишда содир бўлди. 1999-2007 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги ОЎнинг юқори кўрсаткичлари кўп жиҳатдан ноаниқ этиологияли ЎРВИ билан касалланишнинг юқори даражасига боғлиқ бўлди, бу даврда ЎРВИ ва пневмониялар экстрагенитал касалликлар туфайли юзага келадиган ОЎ тузилмасида 76,0%ни ташкил этган эди. Хавфсиз оналик элементларини фаол қўлланилиши (2007-2016 йй.) ОЎни янада сезиларли, жумладан ЭГК ва ятрогения бўйича 4 марта, сепсис бўйича 2 марта камайишини таъминлади; қон кетиши (24%), презклампсия (30%) туфайли ОЎ частотаси секин пасайди. 2002-2008 йиллар давомида Тошкент шаҳрида ОЎ тузилмасида ЭГК (йилига ўртача 20,1 %оооо), 2009-2016 йилларда эса – акушерлик қон кетиши (йилига 8,8%оооо) 1-ўринни эгаллади.

Массив акушерлик қон кетиши, критик ҳолатлар ривожланган аёллар (112 нафари тирик қолган - I гуруҳ ва 29 нафари вафот этган - II гуруҳ)нинг клиник ва тиббий-ижтимоий кўрсаткичлари синчковлик блан қиёсий таҳлил қилинганда ОЎнинг 6 та гуруҳ бўйича шакллантирилган энг аҳамиятли хавф омиллари аниқланди ва уларнинг устворлиги белгиланди. Ҳар бир омил бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий вазн индекслари шуни кўрсатдики, ўлим натижасига таъсир кучи бўйича акушерлик омиллари йиғиндиси (вазн индекси  $\sum w=71,6$ ) ва клиник омиллар ( $\sum w=51,8$ ) энг катта аҳамиятга эга. Қон кетишини хирургик тўхтатиш усуллари ( $\sum w=29,6$ ) ҳамда тиббиёт ходимлари ва аёллар тиббий фаоллиги ( $\sum w=26,8$ )нинг аҳамияти камроқ, „near miss“ да аёллар ўлимига биологик ( $\sum w=4,9$ ) ва ижтимоий ( $\sum w=8,2$ ) омиллар энг кам даражада таъсир қилди.

Охирги омиллар орасида ўлим натижасининг нисбий хавфи никоҳда бўлмаган аёлларда ўртача хавфга нисбатан 6 марта юқори бўлди. Бу уларнинг ОПга кеч мурожаат этиши ва стационарга ўта оғир ҳолда тушиши билан боғлиқ.

Диспансер кузатуви сифати таҳлил қилинганда вафот этган аёллар (тирик қолганларга нисбатан)нинг аксарияти эндокринолог, хирург кузатувида бўлмаганлиги аниқланди. Ўлим натижасининг нисбатан энг юқори хавфи билвосита ҳомиладор аёлни кеч ҳисобга олиш билан боғлиқ RW ва HBsAG (QR=7,6 ва 3,1) текширувлари ўтказилмаган ҳолатларда, шунингдек сийдик таҳлили (QR=2,4) ва ажралма таҳлили (QR=1,5), ҳомиланинг УТТ мавжуд бўлмаган ҳолатларда қайд этилган бўлиб, бунинг натижасида буйрак касалликлари, сийдик йўллари инфекциялари ва акушерлик патологиялари ўтказиб юборилган бўлиши мумкин. Ушбу далиллар ҳомиладорликнинг илк муддатларидан бошлаб стационаргача бўлган даврда аёлларни сифатли кузатиш заруратини кўрсатади. Клиник омиллар орасида ўлим оқибати ривожланишининг ўртача хавфдан 8 ва 3 марта кўп бўлган энг юқори нисбий хавфи ЎРВИ, бронхопневмония ва гепатит ҳамда оғир камқонлик (HB $\leq$ 69 г/л) (QR=2,5) мавжуд бўлган аёлларда қайд этилди ва бу I бўғинди камқонлик билан оғриган ҳомиладорларни фаол даволашни талаб этади.

Ҳомиладорлик даврида тирик қолган аёлларнинг 21,4% ва вафот этганларнинг 34,5% стационарда даволанган, бу мазкур аёлларда ҳомиладорликнинг оғир кечиши ва ЭГКнинг юқори частотаси билан боғлиқ. Бунда вафот этганларнинг атиги 20,8% туғруқдан аввалроқ стационарга ётқизилган, бу туғруқ вақтида асоратларнинг ривожланиш хавфини етарли даражада баҳоланмалигидан далолат беради. Шунинг учун, тирик қолганлар (17,9%)га нисбатан вафот этган аёллар кўпроқ оғир ва ўта оғир ҳолатда стационарга тушганлар (37,9%). Бунда, ўта оғир ҳолатда стационарга тушган аёлларда ўлим оқибатинининг нисбий хавфи ўртача хавфга нисбатан 19 марта юқори бўлади. Шунини қайд этиш лозимки, стационарга тушган вақтдаги ҳолат клиник омиллар йиғиндиси орасида энг юқори таъсир кучига эга ( $w=37,4$ ). Ўлим оқибатига акушерлик омиллари йиғиндиси, биринчи навбатда қон кетиш ҳажми ( $w=59,6$ ) ҳамда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ( $w=5,9$ ) энг юқори таъсир кўрсатади. Йўлдошнинг олдинда жойлашиши ва ПОНРП вафот этган аёлларда энг кўп учраган асоратлар бўлиб, уларда ўлим оқибатининг нисбий хавфи ўртача хавфдан 2,6 - 15 марта юқори бўлди. Акушерлик амалиётидаги мазкур ўта жиддий асоратлар шошлинич радикал чоралар кўрилишини талаб қилади.

Барча 100% вафот этган аёллар (ҳомиладор, туққан)да шошилиш равишда кесар кесиш амалиёти амалга оширилган. Тирик қолганлар гуруҳида 86,6% аёлларга хирургик ёрдам кўрсатилган, 71,7% ҳолатда шошилиш қоринни кесиш амалиёти бажарилган. Абдоминал туғруққа кўрсатмалар тузилмасида барча аёлларда ПОНРП устунлик қилди, вафот этган аёлларда ушбу сабабнинг нисбий вазни тирик қолганларга нисбатан 2 марта юқори бўлди (35,0%га қарши 70,6%;  $p < 0,05$ ).

Абдоминал туғруқ, ўз-ўзидан туғиш ва ҳомиладорликни тўхтатишдан сўнг аёлларда амалга оширилган жарроҳлик амалиётлари таҳлили биринчи лапаротомияда ўлим оқибатининг нисбий хавфи энг кам эканлигини кўрсатди ( $QR=0,67$ ). Бироқ, релапаротомияларда, айниқса, ўз-ўзидан туғруқдан кейинги релапаротомияларда ( $OR=9,5$ ) салбий оқибатнинг нисбий хавфи ўртача хавфдан сезиларли юқоридир ( $QR=$  от 5,2 до 9,5), бу қон йўқотиш ҳажмининг ошиши ва кейинги юзага келиши мумкин асоратлар билан боғлиқ.

Шу сабабли, оналар ўлими хавфини қисқартириш мақсадида жарроҳлик амалиётини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш лозим, бу эса ўз навбатида такрорий лапаротомиялар сонини камайитириш имконини беради.

Қон йўқотиш ҳажми бўйича ўрганилган гуруҳларни қиёсий таҳлили қон йўқотиш ҳажмининг кўпайиши билан салбий оқибат хавфининг ўртача хавфдан 3500 - 4000мл ( $QR=7,5$ ) қон йўқотилганда - 7 марта, 4000 мл ва ундан кўп миқдорда ( $QR=15,5$ ) қон йўқотилганда 15 марта ошишини кўрсатди.

Ҳар иккала қиёсий гуруҳда қон кетишининг турли даражасида амалга оширилган инфузион ва трансфузион терапиянинг ўз вақтидалиги, ҳажми ва сифати юзасидан эксперт баҳолаш ўтказилди. Вафот этганлар гуруҳида



массив қон кетишларининг барча ҳолатларида қон томирларини тўлдириш тезлиги ва ҳажми қон кетишининг тезлиги ва ҳажмидан сезиларли ортида қолганлиги аниқланди. Шу билан бирга, “тирик қолганлар” гуруҳида ИТТ ҳажми қон кетиши ҳажмидан 2 баробар юқори бўлди. “Вафот этганлар” орасида СЗП, коллоидлар, кристаллоидларнинг кам миқдорда ва секин суратда юборилганлиги, “тирик қолганлар” гуруҳида эса коллоидлар, кристаллоидлар ва СЗПни дарҳол катта ҳажмини юборилганлиги қайд этилди. Қоннинг таркибий қисмлари билан етарли даражада таъминланмаганлик ва туғруқдан кейинги қон кетишларини даволашга ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги аъзо сақлаш тактикасини амалга ошириш учун инфузион-трансфузион терапиянинг барча имкониятларидан фойдаланиш имконини бермади ва радикал хирургик аралашувлар (гистерэктомия)ни амалга оширилишига олиб келди ва гемостазга эришиш усули сифатида гистерэктомия частотаси вафот этганлар гуруҳидаги қон кетишларида - 67,6%, тирик қолганлар гуруҳида – 26,5%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, қон кетиши билан боғлиқ ҳомиладорлик ва туғруқларнинг салбий оқибатларини камайишида сифатли ташҳислаш, стационарга тушган вақтда ҳомиладор аёл ҳолати ва қон кетишини адекват баҳолаш, сифатли хирургик аралашувни амалга оширишнинг аҳамияти ўта муҳимлиги кўриниб турибди, булар юқорида кўрсатилган омилларнинг таъсир кучини пасайтириши мумкин.

Диссертациянинг «**Профилактика нуқтаи-назаридан бошқа сабаблар туфайли оналарни йўқотишни клиник таҳлили**» деб номланган тўртинчи боби 6 бўлимдан иборат. Уларда соматик патология, гипертензив ҳолатлар (преэклампсия), акушерлик эмболияси, йирингли-септик касалликлар, ятроген асоратлар ва жароҳатлар туфайли ОЎнинг 98 ҳолати келтирилган. Тошкент шаҳрида ЭГК туфайли ОЎ 2002-2008йй. ва 2009-2016йй.гача бўлган даврда ОЎ тузилмасида 2-чи ўринни эгаллаб (39,4%), деярли 4 марта (100000 нафар туғилганларга нисбатан 20,1 дан 5,4 гача) қисқарди. ЭГК туфайли ОЎ тузилмасида ЎРВИ, пневмонияларнинг энг юқори нисбий улуши (67,7%)ни ҳисобга олган ҳолда, биз вирусологлар билан биргаликда пульмонар синдромли ЎРВИ билан (27) ва пиелонефрит билан (4) аёлларни вирусологик текширув (қон зардобининг ПЦР-ташҳисоти)дан ўтказдик. Изланган хантавируслар аниқланмади. ЭГК туфайли вафот этганлар орасида 16,1%ни юрак касалликлари (туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, миокард инфаркти, кардиомиопатия) ва 6,5% ни ўткир вирусли гепатит ташкил этди. ЭГК туфайли вафот этган аёлларнинг бошқа гуруҳи (9,6%)ни бош мия томирлари аневризмани ёрилиши, ўткир лейкоз, ўткир панкреатит ва бошқалар мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар ташкил этиб, уларнинг баъзиларини башорат қилиш ва олдини олиш мумкин эмас эди. ЎРВИ туфайли вафот этган аёллар халқ таъбиоти воситалари билан узок даволангандан кейинги қайтмас жараёнлар билан критик ҳолатда стационарга тушганлиги, кучли нафас етишмовчилигида ўпканинг суъний вентиляциясига кечиктириб олиганлиги, ҳомиладорликни муддатдан олдин

тўхтатиш ҳақидаги қарор кеч қабул қилинганлиги аниқланди. Изчилликнинг мавжуд эмаслиги туфайли ҳомиладор аёллар тез ёрдам машинасида 2 соат мобайнида бир туғруқ комплексида бошқасига сарсон қилиб олиб юрилган. Уруғланиш арафасида қўшма юрак туғма нуқсони (бўлмачалараро тўсик нуқсони ва аортанинг бошланиш тешиги стенози) ва гепатит А билан оғриган аёлларга ҳомиладорлик қарши кўрсатма бўлган.

ОЎ тузилмасида презекламписия ва экламписия 3-ўринни эгаллайди. 2002-2008 йй.да “Ҳомиладор ва туққан аёллар шахсий карталари”ни клиник таҳлил қилиш натижасида оилавий поликлинаикаларда ҳомиладор аёлларни юритиш тўлиқ бўлмаганлиги аниқланди. 12 нафар вафот этганлардан 4 нафари эса умуман оилавий поликлинаика шифокори кузатуви остида бўлмаган ва улардан атиги 1 нафари сурункали пиелонефрит туфайли стационарда даволанган.

Аёллар ҳаётининг муҳим аъзоларида қайтмас ўзгаришлар юзага келганда кечиктириб стационарга олиб келинган, натижада стационардаги тиббиёт ходимларининг сай-ҳаракатлари самарасиз бўлган. Кузатув остида бўлган 8 нафар ҳомиладор аёлдан қолган 6 нафари охириги 1-2 ҳафтада оилавий поликлинаика шифокорига мурожаат қилмаган. Улар оғир ва кома ҳолида ёки қайтмас жараёнлар билан стационарга тушган. Мазкур аёлларда кўп аъзо етишмовчилиги (10), ўпка ва мия шиши (1), мияга қон қуйилиши (1) бевосита ўлим сабабига айланган.

2009-2016 йй.да презекламписия туфайли ўлим частотаси 30%га камайган, бу I бўғинда ҳомиладор аёлларни кузатиш сифатини яхшиланиши билан боғлиқ. Иккала ўрганилган даврда ятроген ва бошқа асоратлар туфайли ОЎ частотаси 4 марта камайди ва 1,5%ооо ни ташкил этди. Ятроген асоратлар туфайли вафот этган (13 аёл)ларни батафсил таҳлили уларнинг ярми (6) юборилган дори воситаларига нисбатан анафилактик шок, 3 нафари – анестезия асоратлари ва яна 3 нафари – хирургик ва анестезиологик жароҳатлар туфайли ҳаётдан кўз юмганини кўрсатди. Қуйидагилар оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлди: шошилинич хирургик амалиёт, оғир экламписия, семизлик, стационарга тушган вақтдаги ўта оғир ҳолат. Тиббиёт ходимининг хатоси аллергологик анамнезни тўғри баҳолай олмаслик, дори воситаларини асоссиз тайинлаш, анестезиолог-реаниматолог ва хирургик аалашувни амалга оширишда қўшни аъзоларнинг шикастланишига олиб келган акушер-гинекологлар малакасининг етарли даражада эмаслигидир.

ОЎ тузилмасида 4-ўринни эгаллаган эмболия частотасининг ҳар иккала ўрганиш даврида пасайиш тенденцияси қайд этилмади. Бизнинг тадқиқотларимизда 6 нафар аёл ЎАТЭси ва 2 нафар аёл ҳомилаолди суюқлиги эмболияси туфайли вафот этди. 5 нафар аёл туққандан сўнг даслабки 4 соат давомида вафот этди, бу гемостаз тизимидаги ўзгаришларга ҳомиладорлик патологияси, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврнинг таъсиридан далолат беради. Барча ҳолатлар қайтариб бўлмас ҳолатлар сифатида тан олинган.

Йирингли-септик касалликлар туфайли юзага келган ОЎ ўрганилган даврларда 2 марта камайди ва 1,8%оони ташкил этди. Барча вафот этган аёлларда туғруқдан кейинги септик асоратларнинг ривожланиш хавф омиллари (ЭГК, TORCH - инфекция, инфекция ўчоқлари, уйда туғиш ва бошқалар) мавжуд эди. Клиник таҳлиллар қатор камчиликларни аниқлади. Хусусан, симптомларни нотўғри баҳолаш ва нотўғри интерпретациялаш 2 аёлда септик ҳолатни кеч ташхисланишига (1 аёлда – 9 суткадан сўнг, иккинчи аёлда вафотидан кейин туғруқдан сўнг 27 кун ўтгач) олиб келган. Қонни гемокультурага антибиотикларга сезгирликни аниқлаш билан экиш 3 ва 14 суткадан бери стационарда ётган 2 нафар аёлда, 1-чи аёлда эса анча кеч қолиш билан (туғруқдан кейин 19 ва 22 кун ўтгач) амалга оширилган. Хавф омиллари мавжуд бўлган ҳолда нораціонал антибиотиклар билан даволаш ўтказилган. Эксперт баҳолаш барча аёллар ўлимини олдини олиш мумкин бўлганлигини кўрсатди.

Бир нафар қишлоқда яшовчи туғруқнинг иккинчи даврида стационарга тушган кўп туққан аёл *бачадоннинг ёрилиши* туфайли вафот этган. Клиник-эксперт таҳлил натижасида клиник ташхисда бачадоннинг ёрилиши ҳақида ҳаттоки эсга олинмаганлиги аниқланди. Шокка қарши ҳаракатларни иккита периферик вена пункцияси ва вена ичига эритроцтар масса эмас, балки кристаллоид ва коллоидларни юборишдан бошлаш керак эди. Ишончли гемостазни таъминлаш учун қорин ости артерияларини билатерал боғлаб кўйиш лозим. Эритроцитар массанинг 5 та дозасини юборилишига қарамай қон тўхтатилмаганлиги натижасида гемоглобин миқдори дастлабки 90 г/л дан 68 г/лгача камайган. Юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилганда, эҳтимол бу аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлар эди.

Шундай қилиб, бошқа сабаблар туфайли ОЎнинг клиник таҳлили соғлиқни сақлашнинг турли бўғинлари фаолиятида нуқсонлар мавжудлигини аниқлади. I бўғинда ҳомиладор аёллар орасида профилактик ишларни кучайтириш зарур: ҳомиладор аёлларни эрта аниқлаш ҳамда уларни сифатли кузатиш ва текширувдан ўтказиш, зарурият туғилганда стационар шароитида тўлиқ соғломлаштириш билан 100% қамраб олиш лозим. Туғруқ комплексларида тиббий ёрдам кўрсатиш, айнан: стационарга тушган вақтда аёлнинг ҳолатини тўғри баҳолаш, ўз вақтида ташхис қўйиш ва асоратларни аниқлаш учун доимий мониторинг юритиш; хавфли ҳолатлар юзага келганда врачлик тадбирларини ўз вақтида асосли ва тўғри амалга ошириш; ўтказиладиган жарроҳлик аралашаувлари ва инфузион-трансфузион дастурлар сифатини ошириш лозим.

Диссертациянинг «**Ҳомиладор ва туғруқдаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш усуллари ва индикаторлари тақдим этилган. Туғруқ комплекслари фаолияти сифатини баҳолаш учун мавжуд стандартлар ва протоколлар асосида 2 та аудит дастурлари (бланка) ишлаб чиқилган. Улар асосида илк бор Тошкент шаҳрининг 13 та туғруқ комплексларида туғруқдан кейинги даврда қон

кетиши бўйича стандарт (протокол)нинг бажарилиши юзасидан муассасаларо ташқи аудиторлик текшируви ўтказилди (Тошкент шаҳар ССББ, 22-сонли буйруқ, 6.02.2008й.). Аудитни кўрсатишича, протоколларга тўлиқ амал қилинмайди, тиббиёт ходими критик ҳолат юзага келган даврда ўзининг мажбуриятларини аниқ билмайди, натижада бу борада аниқ тизимли ҳаракатлар амалга оширилмайди. Туғруқ комплексларини замонавий респиратор, наркоз ва бошқа аппаратура, инструментлар билан жиҳозланишида сезиларли муаммо аниқланди. Деярли 15% туғруқ комплекслари куну-тун биокимёвий текширувлар ўтказиш имкониятига эга эмас.

